

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг  
фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб  
қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотларнинг  
р ў й х а т и**

1. Ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунаси моҳияти тўғрисидаги маълумотлар, улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар (талабнома берувчи ёки муаллифнинг розилигисиз);
2. Патент беришга талабномаларнинг материалларидаги маълумотлар: ихтиро, селекция ютуғига талабномалар ёки ихтирога патент бериш, фойдали модель ва саноат намунасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар, улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар (талабнома берувчи ёки муаллифнинг розилигисиз);
3. Талабнома берувчилар томонидан муҳофаза ҳужжатлари ёки лицензиялар расмийлаштириш борасидаги уларнинг тижорат сирлари ҳисобланадиган ва Агентликка тақдим этиладиган маълумотлар (талабнома берувчи ёки лицензия талабгорининг розилигисиз);
4. Хизмат ёки тижорат сирлари ҳисобланадиган ва Агентликнинг Апелляция кенгашида (иштирокчилардан бирининг илтимосномасига кўра) апелляциялар ва аризаларни кўриб чиқиш сабабли маълум бўлган маълумотлар;
5. Топологиянинг бирон қатлами (масалан, «ноу-хау» га тааллуқли), кўриш мумкин бўлган материалларда ифодаланган конфиденциал маълумотлар;
6. Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ёки товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги талабномага оид маълумотлар, улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар (талабнома берувчининг розилигисиз);
7. Ахборот олинган манбасида ёхуд исми-шарифи тахаллус остида кўрсатилган муаллиф тўғрисидаги ахборотлар (муаллифнинг розилигисиз);
8. Шахсий ҳаёт тўғрисидаги, худди шунингдек Агентлик ҳамда унинг идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар раҳбалари ва ходимларининг шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузувчи ахборотлар ва маълумотлар;
9. Интеллектуал мулк муҳофазаси ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ишларни суриштирув, дастлабки тергов ёки судда кўриб чиқилиши муносабати билан маълум бўлиб қолган маълумотлар ва ахборотлар.